



# РЕШЕНИЕ ХОКИМА

Самаркандского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

2017 й.г. «14» апрел

№ 809-К

Самарқанд т.-р.Самарқанд

Самарқанд туман “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Халиков Санжарга мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун рухсат бериш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги қарорсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа ёқлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш шартлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг муҳофаз қилиш кўмитасининг 2017 йил 16 мартдаги 542-сонли ҳулосаси ва фуқаро Халиков Санжарнинг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер участкаларни танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 8-моддасига асосан

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Халиков Санжарга “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 14 кв ва 670к контурларидаги мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун жами 30 кв метр (шундан: 14 кв метр замонавий автобекат қуриш учун, 14 кв метр яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун) қуришга розилик берилсин.
3. Фуқаро Халиков Санжарга мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳисобларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси томонидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва солиқ инспекцияси томонидан ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2018 йил 1 январ ҳолатидаги ер баланси ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га тақдим қилинсин.
5. Фуқаро Халиков Санжар томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган ҳолда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Курбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

  
Б. Кадиров